



Савол:

Савол: Рўздорнинг рамазон наҳорида тиш маъжуни ишлатишининг ҳукми нима?

Жавоб:

Аллома Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймийн жавоб беради (Фатво № 294):

Агар меъдасига ўтиб кетмаса рўздорнинг тиш маъжунини ишлатишининг зарари йўқ. Ишлатмаслик авлодир. Чунки одам билмаган ҳолида маъжун меъдага ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Лақийт ибн Сабура разияллоҳу анҳуга: «Рўздор бўлмаганинда бурнингга сувни чуқурроқ торт», деганлар (Абу Довуд 2368). Шу боис рўздорнинг тиш маъжуни ишлатмаслиги яхшидир. Бу борада йўл кенгдир. Агар рўздор тишларини маъжун билан ювишни оғзини очгунича кечиктирса, рўзасини бузиб қўйиши мумкин бўлган нарсадан сақланган бўлади.